УДК.37.013.42

ШАХС МУНОСАБАТЛАРИ ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

Ҳ.М.Жўрабекова

Мақолада ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсон қилиб шакллантириш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ҳар хил зарарли одатларнинг салбий оқибатларини тўғри тушуниб етишларига эришиш, улар ўртасида бағрикенглик тафаккурини шакллантириш масалаларига эътибор қаратилган. Ёшларнинг билимли ва лаёқатли бўлишлари билан биргаликда, ўзаро ижтимоий муносабатларда бир-бирларини тушунган ҳолда киришишларига шарт-шароит яратиб, ижтимоий компетентликни муҳим ҳаётий меъёр сифатида қабул қилинишини таъминлаши зарурлиги таҳлил этилади.

Калит сўзлар: *компетентлик, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий компетентлик, мустақил ҳаёт, ёшлар муаммолари.*

В статье уделяется внимание на проблемам формирования подрастающего поколения как всесторонне развитых личностей, подготовке молодежи к самостоятельной жизни, достижению правильного понимания негативных последствий различных вредных привычек, формированию у них толерантного мышления. Анализируется потребность молодых людей быть образованными и способными вступать в социальные отношения с пониманием необходимости создания условий и социальной компетентности как важной нормы жизни.

Ключевые слова: *компетентность, социальные отношения, социальная компетентность, самостоятельная жизнь, проблемы молодежи.*

Инсонлар ўртасидаги мулоқот ҳар доим ўзининг ранг-баранглиги ва ҳис-туйғуларга бойлиги билан аҳамиятлидир. Бу муносабатларнинг ижобий ёки салбийлиги маълум даражада шахснинг ривожланиш даражасига ўз таъсирини ўтказиб, унинг ички ва ташқи дунёсини шакллантиради. Инсоннинг ички тайёргарлиги, тарбияси эса унинг у ёки бу муносабатларга қай даражада тайёр эканлигини кўрсатади. Боланинг ҳаётидаги дастлабки мулоқот ва унга бўлган муносабат, илиқ муомала унинг руҳий ривожланиш даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Салбий муносабатлар, яъни қўполлик қилиш, унга бўлган эътиборсизлик боланинг атроф-муҳитга мослашувини қийинлаштиради, болада руҳий бузилишларга мойилликни кучайтиради.

Инсондаги ички муносабат, маънавияти ва билимлари унинг маълум бир хатти-ҳаракатларга тайёрлигини ифодалайди. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, мамлакатимизда барқарор бозор иқтисодиётини мустаҳкамлашга оид муаммоларнинг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан эркин ва мустақил, замонавий ва ижодий фикрлайдиган, юксак маънавий хулқли баркамол шахсга боғлиқдир. Зеро, бугунги глобаллашув даврида мустаҳкам давлатни маънавий комил бўлган инсонларгина барпо эта олади.

Ахборот асри ҳисобланган XXI аср инсоният ҳаётига глобал экологик муаммолар, мислсиз техника тараққиёти, “оммавий маданият”нинг таҳликали хавф-хатарларини олиб келди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “Ҳозирги ўта нотинч ва мураккаб замонда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинч ва осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек сақлаш, жамиятимизда миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш бизнинг энг муҳим ва устувор вазифамиз бўлиб қолди” [1. Б. 19].

Жамият ҳаётида янги шарт-шароитлар зарурият ва маънавий эҳтиёжларнинг ҳам кенгайиб боришига замин яратади. Маънавий эҳтиёжлар эса инсон маънавиятини реал ҳаётда намоён бўлишига ундовчи куч, ички позитив имкониятни амалиётга жорий этувчи муҳим омил ҳисобланади. Биринчи Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаши, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин” [2. Б.16].

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, моддий фаровонликка эришишнинг ўзигина мамлакатнинг юксак даражада тараққий этганлигини билдирмайди. Агар моддий фаровонлик маънавиятнинг юксак ривожи билан уйғунлашмас экан,

бундай жамият инқирозга юз тутиши табиийдир. Маънавий эҳтиёжларнинг жамият тараққиётидаги ўрни мислсиз бўлиб, улар жамиятнинг иқтисодий ва маданий даражасини белгилаб беради.

Инсон бутун умри давомида ўз маънавиятини бойитиш, маънавий эҳтиёжларини қондириш орқали комилликка интилиб яшайди.

Эҳтиёж – инсоннинг яшаши ва камол топиши учун керакли ҳаётий воситаларга бўлган зарурият бўлиб, у моддий ва маънавий эҳтиёжлардан иборат бўлади.

Маънавий эҳтиёжлар ҳар хил йўналишларга хос, яъни улар ижтимоий, сиёсий, илмий, ахлоқий, диний, ҳуқуқий ва бир қатор йўналишларга бўлиниши мумкин. Жамият аъзоларининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод маънавий эҳтиёжларининг қондирилмаслиги жамиятнинг барқарор ҳаётида турли бузғунчи ғояларнинг пайдо бўлишига олиб келади, айрим ҳолларда мамлакат ҳаётига жиддий хавф туғдириши ҳам мумкин. Бу борада мустақилликка эришган ёш Ўзбекистон тарихидаги фожеаларни эслаб ўтишимиз кифоядир. Эндигина мустақилликка эришган ёш давлатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмагани, мамлакатимиз собиқ Совет Иттифоқининг хом ашё етказиб берувчи тармоғига айлангани натижасида бошқа давлатларга тобе бўлиб қолган иқтисодиёти Ўзбекистонда ишсизлар сафининг ортиши, қорнини тўйдириш ғамига тушиб қолган аҳолининг кўпроқ қандай йўл билан бўлса-да, пул топиш йўлига тушиб қолиши юртимизга кўз тикиб турган ғанимларга жуда қўл келган. Моддий эҳтиёжлар биринчи ўринга чиқиб қолган мамлакатда ёшларнинг арзимас маблағлар эвазига турли зарарли диний экстремистик ташкилотларга ўзлари тушунмаган ҳолда кириб қолишлари, энг аввало, уларнинг маънавий, ҳуқуқий, диний соҳалардаги тушунчаларининг етишмаслиги, маълум бир эътиқоднинг шаклланмаганлиги натижасида содир этилган.

Мамлакатимизда ҳар томонлама билимли, замонавий илф-фан чўққиларини эгаллаган, малакали миллий мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларни хорижда ҳам салоҳиятини намоён қила оладиган даражада мукаммал етук кадр қилиб тайёрлаш масаласи ўта муҳим ижтимоий масалагина эмас, балки давлатимиз ёшларга оид сиёсатининг асосий масаласи ҳамдир. Ёшлар ҳар бир мамлакатнинг келажагини белгиловчи муҳим ижтимоий омил ҳисобланади. Бу борада асосий эътибор ёшларнинг маънавий қиёфасига, яъни уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳиятида тарбиялашга қаратилмоқда.

Бугунги ахборот ва маълумотлар кўлами кенгайиб кетган бир шароитда маънавий эҳтиёжлар ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишларига, кенг ва чуқур маънавий билимлар асосида юксалишига таъсир этувчи асосий омилдир.

2019 йилнинг 19 марти куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшлар масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ш.М.Мирзиёев: “Ёшларимизни биз ҳозир тўғри йўлга солиб олмасак, эртага кеч бўлади”, – деб куюнчаклик билан йиғилиш иштирокчиларига мурожаат қилади. “Ёшларнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда улар билан яқиндан иш олиб бормас эканмиз, ёшларнинг маънавиятига бошқа зарарли нарсалар албатта ўз таъсирини ўтказиб бўлади”, деб таъкидлади Президент ва айнан шу йиғилишда Юртбошимиз томонидан ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказилишини бир тизимга солишни таъминлашга хизмат қиладиган бешта муҳим ташаббус илгари сурилди [3].

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, илм-фан ютуқлари жамиятга, унинг маънавий, маданий даражасига таъсир этиб, жамият ва инсон маънавий эҳтиёжларининг қондирилишига таъсир этувчи муҳим омилдир. Маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши ёшларнинг дунёқараши, интилиши ва қизиқишлари билан уларнинг онгига таъсир этувчи адабиёт, санъатнинг хилма-хил кўринишлари ва ижодий фикр-мулоҳазалар билан ҳам боғлиқдир. Комилликка интилаётган ҳар бир ёш авлод ўзининг маънавий салоҳиятини юксалтирувчи билимларни ўзлаштириши, жамиятдаги ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини англаши, тўғри қарор қабул қилишни билиши, ўз истак-хоҳишлари ва ҳис-туйғуларини бошқара олиши зарур.

Юксак маънавиятли, билимли инсон фидойилиги, мардлиги, ўз халқини севиши, туғилиб ўсган Ватанини қадрлаши, аждодлари билан фахрланиши каби олийжаноб фазилатлари билан бошқалардан ажралиб туради.

Билимли ва маънавиятли инсон ўзининг фикрига эга бўлишга, керакли вазиятда тўғри қарорлар қабул қилишга ҳаракат қилади. Агар инсон ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган, кимлардандир маънавий кўмак кутадиган маънавий ожиз бўлса, бундайларга ҳар қандай вайронкор ғоя ўз таъсирини ўтказа олади.Ташқаридан кириб келаётган ҳар қандай ғоявий таъсир фақат ички маънавий қолоқлик натижасида илдиз отади. Шахс маънавиятига қилинган таҳдид эса ҳар қандай қуролли хуружларга нисбатан кўпроқ таъсир кучига эга. Бундай таҳдидларга қарши ёшларимиз онгида юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ғояларига садоқат туйғуларини, яъни маънавий иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ҳар бир мамлакатда ёшлар тарбияси ва ривожланиши долзарб масалалардан бири ҳисобланиб, атроф-муҳитдаги объектив фак-

торлар ёшлар тарбиясига ўзининг жиддий таъсирини ўтказиб келмоқда. Дунёдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, урбанизация, аҳоли орасида миграциянинг кучайиб бориши, фан ва техниканинг ривожланиб бориши, кучли ахборот оқими ва бошқа бир қатор омиллар инсонлар ва инсонлараро муносабатларга ўзининг жиддий таъсирини ўтказмоқда. Натижада бу омиллар ёшларимизнинг хулқига, уларнинг айрим бўйсунмаслик каби таъсирларга берилишига сабаб бўлмоқда.

Интернет ва ахборот асри ҳисобланган даврimizда ёшларимизнинг тарбия ва одоб, ижтимоий муносабатларга оид ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ўзгариб бормоқда. Ҳозирги кунда шахслараро муносабатларнинг кескинлашуви, оилавий муносабатлардаги муаммолар, ёш оилалар ўртасида бир-бирини тушунмаслик оқибатида ажралишлар сонининг кескин ўсаётгани ва бу ҳолатнинг ёшларимиз томонидан оддий бир ҳол сифатида қабул қилинаётгани жамиятимизда ижтимоий муносабатлар меъёрларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Мутахассислар томонидан ажралишлар кўрсаткичи республика миқёсида яқин йилларда пасаймаслиги айтилмоқда [4. Б. 10]. Кузатилаётган ажралишларнинг ярмидан кўпроғи оиладаги иқтисодий ва объектив эмас, балки субъектив сабабларга асосланган бўлиб, етарли жиддий асос, сабабга эга эмас. Ушбу ажралишлар ўз ўрнида оила билан боғлиқ бўлган кўплаб ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шундай муаммолардан бири – бу нотўлиқ оилалар сонининг кескин ошаётганидир.

Жамиятда нотўлиқ оилалар сонининг ошиши тўлиқ оилалар мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатади, ёлғиз оналарнинг саломатлигига ёмон таъсир қилиб, отасиз ўсган ўғил ва қиз болада эркак шахси ҳақида салбий тасаввур шакллантиради.

Ота-онаси ҳаёт бўлиб, етимликда ўсаётган болалар сони ортаётганлиги ҳам оила билан боғлиқ ижтимоий муаммолар сирасига киради. Аслида “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланаётган чин етимлар сони жуда камчиликни ташкил этади. Аксарият тарбияланувчиларнинг ота-онаси ажрашгандан сўнг бошқа оила қургани сабабли ёки оналарнинг болалари келажагини таъминлаш, рўзғор тебратиш, уй-жой қуриш мақсадида чет давлатларга ишга кетиб қолиши оқибатида фарзандлар тарбияси бошқаларга қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июнда Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин арбоблари, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, илм-фан ва маданият намояндалари, исломий таълим муассасалари мутасаддилари ва талабалари, жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган анжуманда қуйидаги фикрларни билдирди: “Баъзи ёшларимиз учун меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай бегона бўлиб бораётгани, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўришга интилиш каби иллатлар пайдо бўлаётгани – аччиқ бўлса-да, ҳақиқат... Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас”[5].

Ҳақиқатдан ҳам, ёш авлодга тарбия бериш муаммоси замонавий педагогиканинг ҳам энг долзарб ва муҳокамали муаммоларидан ҳисобланади. Тарбияни тўғри ташкил этиш борасида ота-боболаримиз, жуда кўп олимларимиз томонидан бир қанча асарлар яратилиб, таклиф ва тавсиялар берилганига қарамай, тарбияни қандай ташкил этиш борасида ҳанузгача муаммолар йўқ эмас. Ёшлар тарбияси билан кўпроқ ким шуғулланиши керак, таълим муассасасими ёки ота-она, деган саволларга турли жавобларни олишимиз табиий ҳол.

Ёшлар нафақат келажагимиз, балки бугунги қайноқ ҳаётимиз асосидир. Уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш вазифаси эса бугунги кунда ёшларимизнинг тарбиясида қандай муаммолар борлигини билишимизни тақозо этади. Бугунги кунда ёшлар тарбиясида уларнинг хулқ-атворидаги тарбиясизлик, жиноятчилик ҳолатларининг камаймаётганлиги, ҳаётий қадриятларнинг ўзгариб кетаётганлиги, катта авлод билан ёшлар ўртасидаги бир-бирини тушунмаслик каби муаммоларни кўришимиз мумкин. Интернет тармоқларида ёшлар муаммосига оид маълумотлар билан танишар эканмиз, қуйидаги жумлалар эътиборимизни тортди: “Ҳурматли катталар, бизни инсониятга хавф соладиган аҳмоқ ёшлар деб аташдан илгари сиз яхшилаб ўйлаб кўринг: ҳақиқатдан ҳам шундайми? Сиз эмасми биздаги ёркин келажакка бўлган қизиқиш оловини ўзингизнинг ишончсизлигингиз билан сўндираётган?!” [6]. Ёшларнинг хулқ-атвори ва ахлоқи ҳақида фикр юритганимизда, аввало, у оилада катталар таъсирида тарбияланишини ёдда тутишимиз зарур. Чунки 90 % ҳолатда оилада ота ёки онанинг бир-бирига бўлган ҳурматсизларча муносабатини кўрган болалар ташқи ҳаётда ҳам шундай муомалани қўллашга ҳаракат қилишади. Ота-она бўлса фарзанди тарбиясидаги муаммони ўзининг ичидан эмас, балки унинг ўртоқларидан қидиришга ҳаракат қилишади.

Ёшларимизнинг замонавий бўлиб кўринишга интилишлари, “оммавий маданият”га кўр-кўрона эргашишлари ҳаётдаги қадриятларнинг ўзгаришига олиб келаётганлиги ҳам аччиқ ҳақиқатдир. Турмушга чиқаётган қизнинг тўй куни куёвнинг дўстлари даврасида елкалари очиқ кўйлакда завқ билан ўйинга тушиши қайси ўзбекона ҳаё-ибога тўғри келишини тушуниши унинг ўзига боғлиқ бўлиб қолди. Ёшларга оид муаммоларни ўрганиш жараёнида мавжуд муаммоларнинг асосий сабаблари шахслараро муносабатларнинг йўлга қўйилмаганлиги, ота-оналар турмуш ташвишларига шўнғиб кетганлиги натижасида фарзандлар тарбиясида ижтимоий муносабатлар етишмаслиги, ёшларда мулоқот маданияти ривожланмаганлиги, мустақил ҳаётга қадам қўйганларида эса атрофдагилар билан келишмовчиликларга дуч келаётганликларида эканини кўришимиз мумкин. Ёшларимиздаги ўз шахсий тақдирларига, жамиятдаги пайдо бўлаётган муаммоларга масъулиятсизлик билан қараши, нафақат ўз тақдирига, балки ўз фарзандлари тақдирига ҳам эътиборсизлик қилиш бу куннинг ижтимоий муаммосига айланиб бормоқда.

Мутахассислар томонидан бу муаммоларнинг асосий сабабларидан бири сифатида ёшларнинг ижтимоий муносабатларга тайёр эмаслиги, олдиларида турган ижтимоий муаммоларни ҳал этишда компетентлик даражаси паст эканлиги эътироф этилмоқда. “Интернет тармоқларида, ўқиш жойларида ҳамда ФҲДЁ органларига ариза берган ёшлар орасида ўтказилган сўровларда эса ёшларнинг аксарият қисми “Бизлар учун оила олдидаги масъулият ҳиссини англай олиш, психологик тайёргарлик, муомаланинг сир-асрорлари, оиладаги муносабатларни тўғри ўрната олиш ҳамда оилада соғлом муҳит ярата олиш сабоқлари жуда муҳим, чунки оиладаги кўп низолар масъулиятни ҳис қилмасликдан, бир-бирини тушуна олмасликдан ҳамда муомала қилишни билмасликдан келиб чиқяпти” деган жавобларни беришди. “Бундан ташқари “ФҲДЁ лар қошида никоҳдан ўтишга ариза берган ёшлар учун оилавий ҳаёт ҳақидаги билимларни оширишга ёрдам берадиган психологик, тиббий, диний ва ҳуқуқий билимларни ўргатувчи курслар ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайсизми?” деган саволга сўралганларнинг 82 фоизи “Зарур деб ҳисоблайман” деган жавобни танлади. Бундан кўринадики, ёшларимиз мустаҳкам оила қуришни астойдил хоҳлайдилар, лекин оила ҳақидаги билимлари етишмаслиги боис келгусида юзага келиши мумкин бўлган турли муаммоларни ҳал этишда уқувсизлик қиладилар” [7. Б. 5]. Демак, ёшларнинг ўз муаммоларини ўзлари ҳал этишлари учун шарт-шароит яратиш, уларнинг турли соҳалардаги билимларини ошириш, мустақил ҳаётга тайёрлаш нафақат никоҳга киришларидан олдин, балки боғчада, мактабда, коллеж ёки институтларда ўқиш жараёнида ҳам амалга оширилиши, уларнинг ҳар жиҳатдан компетентли бўлишларини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “уқувсиз” сўзига – уқуви яхши эмас, диди паст. Таланти, истеъдоди йўқ, деган изоҳ берилади [8. Б. 316]. Худди шу луғатда лотинча “competere” – лаёқатли, муносиб бўлмоқ сўзидан олинган “компетенция” сўзи: “Шахснинг бирор бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси», – деб изоҳланади [8. Б. 396].

Ўз ўрнида, “ижтимоий компетентлик – бу шахснинг ижтимоийлашуви жараёнида шаклланадиган ва инсонга ижтимоий муҳитга кўникишига ва ўзаро самарали алоқага киришишига кўмаклашувчи билим, малака, кўникма ва қобилиятни ўз ичига олган интегратив шахсга оид билимлар” деб ҳисобланади [9]. Компетентлик тўғрисида сўз кетганда, кўпроқ педагогик компетентлик ва касбга оид компетентлик тўғрисида гапирилади. Баъзи бир адабиётларда ижтимоий компетентлик касбий компетентлик негизидаги сифатлардан бири сифатида келтирилиб, унга қуйидаги таъриф берилган: “Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш” [10]. Биз ушбу мақолада ижтимоий компетентликни кенгроқ маънода ишлатилиши борасида фикр юритамиз.

Ижтимоий компетентлик жамиятнинг тузилиши, ижтимоий институтлар, тузилмалар ва жамиятда содир бўлаётган жараёнлар ҳақидаги, урф-одат ва анъаналар, жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги қонуниятлар ҳақидаги билимларни ўз ичига олади. Шунингдек, ижтимоий компетентлик таркибига инсоннинг ўзини ижтимоий субъект сифатида билиши тўғрисидаги, ўз ролини бажаришдаги талаблар ва тахминлар, ўзини тутиш кўникмалари ва самарали ижтимоий ўзаро алоқаларга киришиши – вербал ва новербал мулоқот воситаларини, мулоқот жараёнидаги ўзаро тушуниш механизмларини билиши ҳам киради. Бугунги кунда мутахассислар томонидан ижтимоий компетентлик инсоннинг кишилик жамиятидаги бошқа инсонлар билан кундан-кунга ўзгариб бораётган жамиятда ўзаро алоқага киришиши стратегияси деб кўрилмоқда. Ижтимоий компетентлик инсонда атрофдагиларга бўлган муносабатини йўлга қўйиш билан биргаликда, ҳаётдаги мақсадларига эришиш, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш ҳамда ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатига жавобгарликни ҳам инобатга олинишини англатади. Ижтимоий компетентликка турли таърифлар берилган бўлиб, рус психолог

олими В.Куницина “Ижтимоий компетентлик – бу инсоннинг ижтимоий воқелик ва ўзи ҳақидаги билимларининг мажмуасидир”, деб таърифлайди. Олима ижтимоий компетентликнинг қуйидаги олтита компонентларини кўрсатиб ўтади: шахснинг мулоқотга киришиш компетентлиги, вербал, ижтимоий-психологик, шахслараро мослашув, эгокомпетентлик ва шахсий компетентлик [11].

Европа Иттифоқи вакиллари томонидан ижтимоий компетентлик – бу шахснинг ўзига масъулиятни олиши, ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш ва уларнинг амалга оширилишида бевосита иштирок этиши, турли этномаданият ва динларга нисбатан бағрикенглик кўрсатишидир, деб эътироф этилади [12].

Яна бир тадқиқотчи И.А.Кудаева боланинг ижтимоий компетентлигини “мослашиш ҳодисаси” сифатида баҳоланишини таклиф этиб, бу ҳодисанинг ишлаш механизми боланинг ижтимоий-психологик тайёргарлигини таъминлашини таъкидлайди [13]. У ўзининг ижтимоий компетентликка оид тадқиқотларида шахснинг ижтимоий компетентлиги турли шаклларда (маънавий етуклик, фуқаролик етуклик ва касбий етуклик) намоён бўлишига эътибор қаратади. Унинг фикрича, ижтимоий компетентлик – бу “Мен” билан жамиятнинг бир-бирини тушуниши, шахснинг тўғри ижтимоий йўналишларни танлай билиши ва улар асосида ўзининг фаолиятини ташкил эта олишидир” [13. Б. 15].

Тадқиқотчи Д.Е.Егоровнинг таҳлилларига кўра ижтимоий компетентлик инсонга, жамиятда яратилган мавжуд ижтимоий шарт-шароитларга таянган ҳолда шахс ўзини ўзи рўёбга чиқариш жараёнини йўлга қўйишига ёрдам беради. “Ижтимоий компетентлик” тушунчаси мазмуни инсон жамиятнинг ривожланиш стратегиясини қай даражада тушуниши, унинг ҳуқуқий маданияти, ўз фаолиятини ташкил этиш стратегияси ва бу иккала стратегияни ўз ҳуқуқий доирасида мувофиқлаштиришини ўз ичига олади [14. Б. 9].

Ижтимоий муносабатларда атроф-муҳитнинг аҳамияти катта бўлиб, унга оила, маҳалла, мактабгача таълим ташкилоти, мактаб ҳамда олий таълим муассасаси киради. Масалан, мактабдаги синф муҳити деганимизда шу синфдаги ўқувчиларнинг бир-бирига бўлган муносабатлар тизимини тушунамиз. Синф муҳити шу синфда таълим ва тарбия олаётган ҳар бир ўқувчининг ўқиши ва ўзлаштиришига жуда катта таъсир кўрсатади. Таълим муассасаларида гуруҳдаги муҳит ўқиш жараёнининг пойдевори ҳисобланиб, ўқувчиларнинг юриш-туриши ва ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатади.

Бўлажак касб эгалари ҳисобланган олий таълим муассасалари талабалари бир-бирлари билан эркин мулоқот қилиш, муаммоларини эркин муҳокама қилиб, мустақил қарорлар қабул қилиш кўникмаларига эга бўлишлари зарур.

Яна бир ғарб олими Маккензи гуруҳдаги муҳитга хос бўлган 3 та ажралмас қисмни санаб ўтади. Улар: гуруҳ билан биргаликда иштирок этиш, иштирок этишдан қочиш ва конфликт.

Гуруҳ билан биргаликда иштирок этиш – гуруҳдаги ўқувчи ёки талабанинг гуруҳ ишида иштирок этиб, гуруҳнинг ғалабаси учун курашиш ва мақсадга эришиш йўлида ўзининг шахсий маълумотлари билан ҳам бўлишиши мумкинлигини кўрсатади.

Иштирок этишдан қочишда эса гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан очиқ мулоқотга кириша олмай, кимдир орқали ўз фикрларини билдиришга ҳаракат қилишади.

Конфликтнинг юзага келишида гуруҳ аъзоларининг бир-бирига ишонмаслиги, ўзларини бир-бирига тенг деб ҳисобламаслиги натижасида тушунмовчилик ва четлашишга олиб келишини кузатиш мумкин [15. Б.159].

Гуруҳнинг ҳамжиҳат ва иноқ бўлиб ҳаракатланиши ва кўзланган мақсадга эришиши йўлида ҳаракат қилиши эса кўп жиҳатдан гуруҳ аъзоларининг ижтимоий компетентлигига, яъни уларнинг одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилишлари, муомала ва мулоқот маданиятининг шаклланганлигига боғлиқдир. Ижтимоий компетентлик гуруҳ ёки команда бўлиб ишлашда кўпроқ яққол кўзга ташланиб, инсоннинг атрофидагилар билан муваффақиятли алоқага киришиши ва бунёдкорлик фаолиятини йўлга қўйишини ривожлантиради.

Муомала лаёқати ҳар бир инсонга ҳаёт фаолиятининг ҳар бир жабҳасида энг керакли бўлган унсур ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳар томонлама билимли – оғзаки ва ёзма нутқи ривожланган инсонларга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Афсуски, ҳозирги ўқувчиларнинг муомала компетентлигида ҳам жиддий муаммолар мавжуд бўлиб, бу нарса уларнинг жамиятга қўшилишида тўсиқларни юзага келтириши мумкин, бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

• ёшларда мутолаа маданияти даражасининг тушиб кетганлиги;

• шахсий луғавий сўз бойлигининг етарли эмаслиги;

• муомалага кириш учун зарур шахсий-индивидуал хусусиятларнинг яхши шаклланмаганлиги.

Юқоридаги сифатларнинг етишмаслиги ёшларда тортинчоқлик, билимлари етишмаслигидан уялиш ҳиссини яшириш мақсадида кўпчиликка қўшилмаслик ва ўзининг келажагига ишонмаслик каби хислатларни ривожлантирмоқда. Натижада уларнинг жамиятга қўшилишларида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бу эса, ўз ўрнида, ёшларни касбга йўналтиришдаги муаммоларга сабаб бўлади. Ёш авлодни турмушга ва меҳнатга, ижтимоий зарур касбларни онгли равишда танлашга тайёрлаш таълим ва тарбиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Келажакда ким бўлишини тўғри танлаш ҳар бир ёшнинг бутун ҳаёти мобайнида ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаш туйғуларини шакллантиради. Инсон олиб бораётган фаолиятидан, энг аввало, ўзи қониқиш ҳосил қилса, ҳаёти давомида ўз ишига ижодий ёндашса, унинг меҳнат унумдорлиги ортиши билан бирга ҳаётга бўлган қизиқиши ҳам ортиб боради.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб қуйидаги фикрларни хулоса сифатида билдиришимиз мумкин.

Ижтимоий компетентлик, энг аввало, шахснинг ижтимоий ҳаётга бўлган муносабатлари, хатти-ҳаракатлари, билим ва кўникмалари йиғиндиси бўлиб, у ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётида жамият аъзолари билан тўғри муносабатларга киришишини таъминлаш билан бирга, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўзининг ҳам дахлдорлигини англаб етишидир. Ижтимоий компетентлик қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1) инсонлар ўртасида энг олий қадриятлар ҳисобланган меҳр кўрсатиш, эътиборли бўлиш, ёрдам бериш, қайғуришга туртки берувчи инсонийлик хислатлари;

2) атрофдаги бошқа инсонларни янада яқинроқ билишга интилиш, уларнинг ўзига хослигини ҳурмат қилиш, қизиқишлари ва манфаатларини тушуниш, уларнинг олдидаги қийинчиликларни кўра билиш, кайфиятидаги ўзгаришлар ва эмоционал ҳолатини сезиш;

3) ҳар хил вазиятларда ўзини тўғри тута билиш, хулқ-атвор меъёрларига амал қилиш, атрофдагиларга ўзининг оғирлигини солмаслик. Ҳар бир ҳолатда шошилмасдан, атрофлича мулоҳаза қилган ҳолда муаммолар ечимига ёндашиш. Бу ерда шахсга болалигиданоқ ҳар бир ҳолатда агрессияга берилмасдан, куч ишлатмасдан, компромисс орқали муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилиш зарурлигини сингдириш катта аҳамиятга эга.

Шиддат билан ривожланиб бораётган кишилик жамияти инсондан нафақат касбий компетентлик кўникмаларига эга бўлишни, балки одоб-ахлоқ меъёрларини билиши, бошқаларни тушуниши, муомала маданияти, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан жамиятга зарар келтирмай атрофидагилар билан мулоқотга киришиши ва ҳар бир ҳаракатини келажак олдида масъуллигини тушунган ҳолда амалга ошириши зарурлигини ҳам талаб этмоқда.

Ёшларни шарқона маданият, миллий урф-одатлар, анъаналар асосида тарбиялашга эътиборни кучайтириш уларнинг ахлоқини, маданиятини, маънавиятини тўғри йўналтиради. Бунинг учун кекса авлод тажрибаларидан, тарихий манбалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, мерос ва қадриятларни яхши билган, тарбияли, маънавиятли кекса авлод тарбиясини олган ёшларимизнинг маънавий эҳтиёжлари қондирилиб, улар тажрибага айланиб боради. Таълим муассасаларида олиб бориладиган тадбирлар, таълим бериш жараёнида ҳам миллий ва умуминсоний қадриятларга мурожаат қилиш, амалий дарсларни ташкил қилиш ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланишига, ўқитувчи ва мураббийлар томонидан қўйиладиган ҳар қандай вазифаларни мукаммал адо этиш, миллий менталитетимизга хос бўлган эзгу қадриятларнинг чуқур сингдирилишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик каби фазилатларнинг юксалишига самарали таъсир кўрсатиши мумкин. Умуман олганда, маънавий жиҳатдан яхши тарбия олган шахс ўз ақли, меҳнати ва масъулиятни ҳис этиши билан онгли равишда мустақил шахсга айланади. Бундай инсонлар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, вайронкор ғоялар ва маънавий тажовузлар билан бузиш қийин.

Олдимизда турган асосий вазифа ҳам ёшларимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш орқали уларни ижтимоий муносабатларда фаол шахсга айлантириш, эл-юртга фидойи ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар, чуқур билимли ва маънан баркамол шахс сифатида тарбиялашдан иборатдир.

Адабиётлар

1. *Мирзиёев Ш.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.– 488 б.

2. *Karimov I.* Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch. – Тошкент: Ma'naviyat, 2010. –176 b.

3. Президент бешта муҳим ташаббусни илгари сурди. [Интернет манба]. URL: https://kun.uz/news/2019/03/20/prezident-beshta-muhim-tashabbus-ni-ilgari-surdihttps://www.kp.ru/daily/26297/3175415 / (Мурожаат этилган сана: 20.03.2020)

4. *Шоумаров Ғ.* Ўзбекистонда оиланинг ижтимоий-психологик муаммолари номли маърузаси тақдимоти. – Наманган, 2018. – 17 с.

5. *Мирзиёев Ш.* Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик // 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусида ўтказилган анжуманда сўзлаган нутқи.

6. “ЛЕС”–Новый Медиа-проект. [Интернет ресурс]. Режим доступа: URL: https://les.media/about) (дата обращения: 26.03.2020.)

7. *Ташмуҳаммедова Д.* Оилани мустаҳкамлиги жамият ва давлат тараққиётини белгиловчи омил сифатида: муаммо ва ечим // “Соғлом ва фаровон оилани ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-демографик муаммолари”. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2019. – Б. 3 – 6.

8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “У-К”ҳарфи/ А.Мадвалиев таҳрири остида.–Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 680 б.https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati/

9. *Самсонова Т.И.* Социальная компетентность подростков: условия и технология формирования // Вестник Санкт – Петербургского университета. Серия. 12. 2008. Вып. 2. – С. 192 – 198.

10.*Суннатов Н.* Педагогик касбий компетентлик ва унга хос сифатлар. [Интернет манба]. URL: *library. ziyonet.uz › book* (Мурожаат этилган сана: 27.03.2020.)

11.*Куницына В.Н.* Социальная компетентность и социальный интеллект: структура, функции, взаимоотношение // Теоретические и прикладные вопросы психологии, 1995. – №1. – С. 195 – 200.

12. *Винокурова Л.А.* Содержание и структура социальной компетентности. [Интернет ресурс]. Режим доступа: URL: https://www.slideshare.net/kritskoy/ss-10386723. *(*дата обращения: 30.03.2020.)

13. *Кудаева И.А.* Освоение социального опыта младшими школьниками в образовательном процессе. Автореф. дисс... канд. пед. наук. Саранск: Мордовский государственный педагогический институт имени М.Е.Евсевьева. 2004.– С. 20.

14. *Егоров Д.Е.* Формирование социальной компетентности студента среднего профессионального учебного заведения в процессе социального образования. Дис. ... канд. пед. наук. Казань, 2003. –187 с.

15. *MacKenzie K.R*. “The clinical application of a group climate measure,” in Advances in group Psychotherapy: Integrating Research and Practice. New York, NY: International Universities Press, Inc. 1983. – Pp. 159 – 170.

PERSONAL RELATIONSHIPS AS AN INTEGRAL PART OF SOCIAL RELATIONS

X.M.Zhurabekova[1]

Ilmiy xabarnoma. *Seriya.* Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Researches. 2020. 2 (46). 121 – 128.

[1]Andijan machine building institute, Andijan, 170119, str. Bobur Shokh, 56 (Uzbekistan). E-mail: info@andmiedu.uz

Keywords: *competence, social relations, social competence, independent life, youth problems.*

The article focuses on the problems of forming the younger generation as comprehensively developed personalities, preparing young people for an independent life, protecting them from the influence of various alien, destructive ideas, correctly understanding the negative consequences of various bad habits, and forming tolerant thinking between different nationalities and ethnic groups . It analyzes the need of young people to be educated and able to enter into social relations with the understanding of the need to create conditions and social competence as an important standard of living. In the process of studying youth problems, we see that the main causes of their problems are insufficient interpersonal relationships, lack of social relations in raising children as a result of immersion of parents in their current lives, lack of skills in communicating with other people in conflict situations. The irresponsible attitude of young people to their personal fate, to the problems that arise in society, to ignoring not only their own destiny, but also the fate of their children, is becoming a social problem of our time.Experts acknowledge that one of the main causes of these problems is the unpreparedness of young people for social relations, a low level of competence in solving social problems. In turn, “social competence is an integrative knowledge of the personality, which is formed in the process of socialization of the personality and includes knowledge, skills, abilities that help a person adapt to the social environment and effectively interact in various situations of life. When we speak of competency, most often we mean pedagogical or professional competence. The subject of our study is the social competence of the individual. Today, experts consider social competence as a strategy of human interaction with other people in a society that is changing day by day.Social competence means not only the development of a person’s attitude to others, but also the achievement of life goals, assessment of events and responsibility for the consequences of their actions. Social competence includes knowledge about the structure of society, social institutions, structures and processes taking place in society, customs and traditions, laws in various aspects of society. Social competence also includes a person’s knowledge of himself as a social subject, the requirements and expectations of his role,

behavioral skills and effective social interaction - knowledge of verbal and non-verbal means of communication, mechanisms of understanding in the process of communication.

References

1. Mirziyoev, Sh. (2017) *Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz* [We will build our great future together with our brave and noble people].Tashkent: O'zbekiston.
2. Karimov, I.(2010) *Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch* [Great spirituality invincible power].Tashkent: Ma'naviyat.
3. Prezident beshta muhim tashabbusni ilgari surdi. [President puts forward 5 important initiatives]. [Online] Available from: URL: https://kun.uz/news/2019/03/20/prezident-beshta-muhim-tashabbusni-ilgari-surdihttps://www.kp.ru/daily/26297/3175415/ (Date of Access: 20.03.2020.)
4. Shoumarov, G'. (2018) *O'zbekistonda oilaning ijtimoiy-psixologik muammolari* [Socio-psychological problems of the family in Uzbekistan]. Ma'ruza taq'dimoti. Namangan.
5. Mirziyoev Sh.M. (2017) Vatanimiz taqdiri va kelajagi yo'lida yanada hamjihat bo'lib, qa'tiyat bilan harakat qilajlik [Let us be more united and work resolutely for the fate and future of our country]. 'Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabi' mavzusida o'tkazilgan anjumanda so'zlagan nutqi [President of the Republic of Uzbekistan Sh.Mirziyoyev Speech at the conference 'Ensuring social stability, preserving the purity of our sacred religion - the need of the time'].Tashkent, June 15.
6. "LES" – New Media project. [Online] Available from: URL: https://les.media/about). (Date of Access: 26.03.2020.)
7. Tashmuhammedova, D. (2019) *Oilani mustahkamligi jamiyat va davlat taraqqiyotini belgilovchi omil sifatida: muammo va yechim* [The strength of the family as a determining factor in the development of society and the state: problems and solutions]. 'Sog'lom va farovon oilani rivojlantirishning ma'naviy-axloqiy, ijtimoiy-demografik muammolari' ['Spiritual, moral, socio-demographic problems of developing a healthy and prosperous family']. *Materials of the Republican scientific-practical conference.* Andijan. Pp.3-6.
8. Madvaliev, A. (ed.) (2006) *O`zbek tilining izohli lug`ati* [Explanatory dictionary of the Uzbek language]. 2th. Tashkent: O'zbekiston milliy enciklopediyasi.
9. Samsonova, T.I. (2008) Social'naya kompetentnost' podrostkov: usloviya i tekhnologiya formirovaniya [Social competence of adolescents: conditions and technology of formation]. Vestnik Sankt – Peterburgskogo universiteta. Series. 12. Vol. 2. Pp. 192-198.
10. Cunnatov, N. *Pedagogik kasbiy kompetentlik va unga xos sifatlar* [Pedagogical professional competence and its peculiarities]. [Online] Available from: URL: library.ziyonet.uz ›book. (Date of Access: 27.03.2020.)
11. Kunitsyna, V.N.(1995) Social'naya kompetentnost' i social'nyj intellekt: struktura, funkcii, vzaimootnoshenie [Social competence and social intelligence: structure, functions, relationship]. *Teoreticheskie i prikladnye voprosy psihologii*. No.1. Pp.195-200. социальный
12. Vinokurova, L.A. Soderzhanie i struktura social'noj kompetentnosti. [Content and structure of social competence]. [Online] Available from: URL: https://www.slideshare.net/kritskoy/ss-10386723. (Date of Access: 30.03.2020.)
13. Kudaeva, I.A. (2004) Osvoenie social'nogo opyta mladshimi shkol'nikami v obrazovatel'nom processe [Mastering social experience by younger students in the educational process]. Abstract of dissertation for the candidate of pedagogical sciences. Saransk.
14. Egorov, D.E. (2003) Formirovanie social'noj kompetentnosti studenta srednego professional'nogo uchebnogo zavedeniya v processe social'nogo obrazovaniya [Formation of social competence of the student of secondary professional education in the process of social education]. The dissertation for the candidate of pedagogical sciences. Kazan.
15. MacKenzie, K.R. (1983). 'The clinical application of a group climate measure', in Advances in group Psychotherapy: Integrating Research and Practice. New York, NY: International Universities Press, Inc. Pp. 159-170.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Жўрабекова Ҳабибахон Мадаминовна – Андижон машинасозлик институти Муҳандислик педагогикаси ва психологияси кафедраси доценти, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD). E-mail: tj2211@inbox.ru